

## Амалини сир сақлаган одамга ажр бор



21:30 / 05.03.2019 4040

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир одам:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, бир одам қилган амалини яширади. Агар у билиниб қолса, хурсанд бўлади» деди.**

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Унга икки ажр бор. Яширганлик ажри ва ошкор бўлганлик ажри», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

*Шарҳ:* Саҳобаи киромларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан керакли нарсаларни сўраб, ўрганиш одатлари бор эди.

Саҳобаларнинг бирлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

**«Эй Аллоҳнинг Расули, бир одам қилган амалини яширади. Агар у билиниб қолса, хурсанд бўлади»** деди.

Бу гапнинг замирида шу ҳам риёкорликка кирадими, маъносидаги савол бор. Аслида ўша одам қилган амалини одамларга билдирмай, Аллоҳ учун бажарган эди. Аммо одамлар билиб қолиб, уни мақташди. У эса одамларнинг мақтовидан хурсанд бўлди. Ушбу нарсa риёкорликка кирадими? Бунга жавобан:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унга икки ажр бор. Яширганлик ажри ва ошкор бўлганлик ажри», дедилар.**

Яъни, бу ерда асл ният эътиборли. У сир тутишни ният қилган эди, шунинг учун бир ажр олади. Лекин одамлар бошқа томондан билиб қолиб, уни мақташди. Бундан бошқалар ўрнак оладилар. Бунинг учун яна бир ажр олади. Одамларнинг мақтовидан хурсанд бўлгани эса зарар қилмайди. Чунки у аслида одамлар мақташларини ният қилмаган эди.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**